



«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-111/K3

2-бет 14 бетдан
07.08.2024 й.



«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ
ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу «GROSS KASKO SILVER» транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш учун оммавий оферта (бундан буён матнда Оферта деб юритилади) «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖнинг (бундан буён матнда Суғурталовчи деб юритилади) қуйидаги суғурта шартларида Суғурталовчининг ахборот тизимлари воситасида транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш суғурта шартномасини (бундан буён матнда Суғурта шартномаси деб юритилади) тузиш юзасидан нсмаълум доирадаги жисмоний шахсларга йўлланган таклифи бўлиб ҳисобланади. Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи Шартнома тарафларидир.

Ушбу Оферта шартларининг қабул қилиниши ва шартлашилган суғурта мукофотининг тўланиши унинг шартларини акцептлаш ҳамда Суғурта қилдирувчининг Суғурта шартномасини тузишга розилиги бўлиб ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги факти тасдиқланганидан кейин унга электрон суғурта полиси юборилади ва Суғурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ Оферта шартларини қабул қилиниши ушбу Оферта шартларини сўзсиз қабул қилинганлиги деб ҳисобланади ва у билан қуйидагиларга розилик ифодаланади:

- ушбу Оферта шартлари, жумладан унда баён қилинган суғурта шартларига розилик;
- суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотлар билан автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган тарзда ишлов бериш йўли орқали 5 (беш) йил муддатга ишлашга, жумладан уларни йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, улардан фойдаланиш, эгасиз қилиб қўйиш, блоклаш, йўқ қилиш (йўқ қилиш ҳақида хабардор қилмаган ҳолда), шунингдек суғурта шартномасини бажариш, ички ҳужжат айланишини таъминлаш мақсадида уларни учинчи шахсларга беришга розилик.

Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг интернет ресурси воситасида Суғурта шартномасини тузиш натижасида ўз ҳуқуқи ва муомалага лаёқатлигини тасдиқлайди; шунингдек ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар юзасидан жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг интернет ресурсида онлайн режимда Суғурта шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчидан унинг электрон почта манзили ва мобил телефон рақами мавжудлиги талаб қилинади.

Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг интернет ресурсида Суғурта шартномасини тузиш учун зарур ва муҳим бўлган барча маълумотларни киритиш Суғурта учун ариза бўлиб ҳисобланади.

Суғурталовчи «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддаси талабларига мувофиқ, Суғурта қилдирувчининг ва Суғурта шартномасида кўрсатилган



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3
3-бет 14 бетдан
07.08.2024 й.

бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари сақланишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«Оферта», «Суғурта шартномаси» ва «Суғурта полиси» ҳаволалари бундан буён матнда ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил аҳамиятга эга бўлади.

1. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Асосий тушунчалар:

1.1.1. **Суғурталовчи** – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган Лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» акциядорлик жамияти.

1.1.2. **Суғурта қилдирувчи** – Суғурталовчи билан Оферта шартларида Суғурта шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахс.

1.1.3. **Суғурта полиси** – Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида Оферта шартларида транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полиси суғурта қилдирувчининг электрон манзилига у суғурта мукофотини тўлиқ ҳажмда тўлаганидан кейин юборилади.

1.1.4. **Суғурта ҳодисаси** – Суғурта шартномасида назарда тутилган, Суғурта полисида кўрсатилган Суғурта даврида ва Суғурта ҳудудида амалда бир вақтда содир бўлган, Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келадиган бир ёки бир нечта ҳодиса.

1.1.5. **Суғурта даври** – Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари амал қиладиган вақт даври. Суғурта даври полис расмийлаштирилган кундан кейинги учинчи кунда соат 08.00 дан бошланади ва Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қилади.

1.1.6. **Суғурта шартномаси амал қиладиган давр** – Суғурта қилдирувчи томонидан Оферта шартлари қабул қилинган пайтдан бошланадиган ва Суғурта қилдирувчи томонидан берилган аризада Суғурталовчининг сайтида кўрсатилган сана билан тугайдиган Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати.

1.1.7. **Суғурта товони (суғурта тўлови)** – Суғурта шартномасида қайд этилган Суғурта ҳодисаси натижасида юзага келган зарарни қоплаш учун Суғурталовчи томонидан Суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси.

1.1.8. **Транспорт воситалари** – Суғурта қилдирувчининг номида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан бутланган енгил автомобиллар. Такси хизматларини кўрсатиш мақсадида фойдаланиладиган, прокатга, ижарага бериладиган, тест-драйв, мусобақалар учун фойдаланиладиган, шунингдек ишлаб чиқарилган йилидан бошлаб 15 (ўн беш) йилдан ортиқ вақт давомида фойдаланиладиган ҳар қандай тоифадаги ТВ суғуртага қабул қилинмайди ва Компания мазкур ТВ суғурта қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди.

1.1.9. **Суғурталанган ТВ** – Суғурта полисида кўрсатилган, Суғурта қилдирувчи номига рўйхатдан ўтказилган, ўзига нисбатан суғурта ҳимояси берилаётган ТВ.

1.1.10. **Суғурта суммаси** – суғурта ҳодисаси (суғурта таваккалчиликлари) юзасидан Суғурта шартномасида белгиланадиган ва Суғурта полисида кўрсатилган пул маблағлари суммаси бўлиб, унинг доирасида Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ёки уни олишга ваколатли бўлган бошқа шахсга суғурта товони тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

1.1.11. **Суғурта қиймати** – ТВнинг Суғурта шартномаси тузилаётган пайтда томонларнинг келишуви билан белгиланадиган ва суғурта шартномаси тузилаётган кунда жойлашган жойдаги ҳақиқий (бозор) қийматига тенг бўлган, суғурта манфаати боғланган қиймати. Суғуртага қабул



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3

4-бет 14 бетдан

07.08.2024 й.

қилинаётган ТВнинг суғурта қиймати, агар унга оид маълумотлар ва нарх Компания сайтида кўрсатилмаган бўлса, Компаниянинг www.gross.uz сайтида ҳамда www.olx.uz ёки avtoelon.uz Интернет сайтларида кўрсатилган айнан шундай ТВнинг маълумотлари ва нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

1.1.12. Якуний франшиза – Суғурта полисида белгиланган франшизанинг қатъий суммаси, ундан Суғурта қилдирувчи томонидан эълон қилинган зарарлар Якуний франшизанинг миқдори нолга тенг бўлгунга қадар чегириб ташланади. Якуний франшиза лимити тугагандан сўнг, Суғурта қилдирувчи томонидан эълон қилинган барча кейинги зарарлар Суғурта шартномаси шартларига мувофиқ тўланади.

1.1.13. ТВни нобуд бўлиши (йўқотилиши) – Суғурталанган ТВнинг уни тиклаш харажатлари унинг ҳақиқий қийматига тенг ёки ундан ортиқ бўлгандаги шикастланишини билдиради.

1.1.14. ТВни шикастланиши – Суғурталанган транспорт воситаси ва/ёки унинг алоҳида қисмлари ва деталларининг учинчи шахсга урилиши ёки унда бошқа транспорт воситалари иштирокида ЙТХ содир этилиши натижасида тасодифан жисмоний шикастланиши. Суғурталанган ТВга санаб ўтилмаган таваккалчиликлар натижасида етказилган зарарлар Суғурта шартномаси шартлари билан қопланмайди.

1.1.15. Ҳайдовчи – транспорт воситасини бошқариш учун тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган ва Суғурталанган ТВни бошқариш учун қонуний асосга эга бўлган жисмоний шахс.

1.1.16. ЙТХ – ТВнинг йўлда ҳаракатланиш жараёнида юзага келган, фуқароларнинг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига олиб келган, ТВлар зарарланган йўл-транспорт ҳодисаси.

1.1.17. ТВЭФЖМСҚ полиси – «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш амалга оширилганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат.

1.1.18. Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома – Суғурталовчи томонидан тузиладиган, Суғурта ҳодисаси юз берганлигини тасдиқловчи ва Суғурта товони суммасини белгиловчи ҳужжат. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома Суғурталовчининг, Суғурта қилдирувчининг ваколатли вакиллари, шунингдек Суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс томонидан имзоланади.

1.1.19. Суғурта ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди.

1.2. Суғурта шартномасини тузиш тартиби ва унинг кучга кириши:

1.2.1. Ушбу суғурта шартномаси Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига суғурта хизматларини сотиш ва кўрсатиш шартларини белгиловчи электрон ҳужжат ҳисобланади;

1.2.2. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилган маълумотлар асосида шакллантирилади;

1.2.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризанинг мажбурий майдонларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган асл ҳужжатлар маълумотларига қатъий мувофиқ ҳолда тўлдиради;

1.2.4. Суғурта қилдирувчи аризада баён қилинган ҳужжатларнинг асл нусхалари билан айнан эканлиги ва ишончлилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек ариза берилган ҳужжатлар уларнинг асл нусхаларига мос келмаганда, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчи суғурта товони тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга эканлигига розилик беради;



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3
5-бет 14 бетдан
07.08.2024 й.

1.2.5. Аризада кўрсатилган ва киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик тарзда Суғурта шартномасига (Суғурта полисига) киритилади.

1.2.6. Суғурта шартномаси тузилгунга қадар Суғурта қилдирувчи суғуртага таклиф этилаётган транспорт воситасининг қийматини кўрсатган ҳолда суғурта учун тўловни мустақил равишда белгилаши ва суғурта суммасини ҳисоблаши мумкин. Бунда суғурта суммаси уларнинг ҳақиқий қийматидан ошмаслиги керак, ушбу қиймат қуйидагиларга асосан аниқланиши мумкин:

- Суғурта шартномаси тузилган санада ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситасининг худди шундай русуми ва моделига белгиланган сотиш нархининг транспорт воситасининг эскириш миқдорига (фоизларда) камайтирилиши;
- савдо ташкилоти томонидан берилган маълумотнома-ҳисобварақлар ёки транспорт воситасининг олди-сотди шартномаси;
- транспорт воситасининг мустақил баҳоловчи томонидан амалга оширилган ҳақиқий қийматини баҳолаш.

1.2.7. Суғурталовчининг ахборот тизими ёрдамида суғурта қилдирувчи транспорт воситасининг турига (маркаси ва ишлаб чиқарилган йили) ва суғурта қопламасининг танланган вариантларига қараб суғурта суммасини мустақил равишда аниқлайди, Суғурталовчининг ахборот тизими эса Суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлар ва суғурта қопламасининг танланган вариантларидан келиб чиққан ҳолда суғурта мукофоти суммасини шакллантиради ҳамда Суғурта қилдирувчи шакллантирилган суғурта мукофоти суммасига рози бўлган тақдирда, уни тўлагунга қадар Суғурта қилдирувчи ушбу Оферта матни билан танишиш мажбуриятини зиммасига олади.

1.2.8. Суғурта суммаси суғурта қийматидан паст деб белгиланган тақдирда, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) етказилган зарарни суғурта суммасининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда тўлайди.

1.2.9. Суғурта қилдирувчи Оферта ва Қоидаларда таклиф этилган суғурта шартларига рози бўлган тақдирда Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда Суғурта шартномасини тузиш учун аризани (бундан буён матнда Ариза деб юритилади) онлайн режимда тўлдиришга ўтади.

1.2.10. Аризани тўлдиришда Суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини ва унинг юз беришидан кўрилиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини (суғурта таваккалчилигини) аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган барча зарур маълумотлар кўрсатилиши талаб этилади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг асл нусхаларига қатъий мувофиқ равишда кўрсатилиши керак.

1.2.11. Ариза тўлдирилгандан сўнг Суғурталовчининг ахборот тизими автоматик тарзда «Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш» тугмасига кириш имкониятини очади.

1.2.12. Суғурта шартномаси тарафлари Суғурта қилдирувчининг Суғурта полисини олиши Суғурта шартномасининг (Суғурта полисининг) лозим даражада имзоланиши эканлигини тасдиқлайди.

1.2.13. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан тўланганлиги факти Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан тасдиқланган сана ушбу Офертани акцептлаш ва Суғурта шартномасини тузиш санасидир.

1.2.14. Суғурталовчининг мажбуриятлари полис расмийлаштирилган кундан кейинги учинчи кун соат 00.00 дан бошлаб кучга киради ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври (шу санани ҳам қўшиб ҳисоблаганда) тугайдиган санагача давом этади.

1.3. Суғурта шартномаси (полислар) ҳақини тўлаш тартиби:



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3
6-бет 14 бетдан
07.08.2024 й.

1.3.1. Суғурта шартномаси (полиси) ҳақи Суғурталовчи томонидан қўлланадиган ахборот (онлайн) тизимларидан фойдаланган ҳолда тўланади;

1.3.2. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинги қайта йўналтириш учун ариза қабул қилинганлигини тасдиқлаш Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи аризани тўлдираётганида кўрсатиб ўтган мобил телефон рақамига СМС-хабарни жўнатиш йўли билан амалга оширилади;

1.3.3. СМС-хабар тасдиқлаш коди билан бирга олинганидан кейин Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши зарур, ундан кейин у суғурта мукофотининг ҳисобланган суммасини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун танланган тўлов тизимининг сайтига автоматик тарзда қайта йўланади;

1.3.4. Суғурта полиси қиймати тўланганлиги ҳақидаги тасдиқ олинганидан кейин Суғурталовчининг ахборот тизими Суғурта полисини расмийлаштиришни электрон шаклда автоматик тарзда амалга оширади, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига йўллайди ва ундан кейин Суғурта полисининг серияси ва рақами, Суғурта полиси электрон тарзда жўнатилганлиги факти ҳақидаги маълумотларни ичига олган СМС-хабар жўнатилиши йўли билан Суғурта қилдирувчини хабардор қилади.

1.3.5. Суғурталовчи Тўлов провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги учун, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўловлар тизими ва интернет орқали тўлаш билан боғлиқ ҳар қандай зарарлари ва таваккалчиликлари учун жавобгар бўлмайди.

1.3.6. Суғурта мукофотини банк картаси билан тўлаш бевосита Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) – карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Агар Суғурта қилдирувчи банк картасини тўлов тўлаш учун бошқа шахсга берган бўлса, Суғурта қилдирувчи бу билан боғлиқ барча таваккалчиликларни ўз зиммасига олади ва мазкур ҳолатда суғурта мукофотини тўланиши Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилган деб ҳисобланишига рози бўлади.

1.3.7. Оферта йўлланган шахс Суғурталовчининг ахборот тизимида «Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш» тугмасини босиш билан, шунингдек шакллантирилган суғурта мукофотини тўлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ мазкур Оферта шартларига рози эканлигини билдиради.

1.4. Суғурта шартномасини (суғурта полисини) Суғурта қилдирувчининг ташаббусига кўра муддатидан илгари тугатиш. Суғурта мукофотини қайтариш:

1.4.1. Агар Суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолса ва суғурта таваккалчилигининг мавжудлиги суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатларга кўра тугаган бўлса, Суғурта шартномаси ўзи тузилган муддат келишига қадар тугатилади. Еундай ҳолатларга хусусан қуйидагилар тааллуқли:

суғурталанган мол-мулкни суғурта ҳодисаси юз беришидан бошқа сабабларга кўра nobud бўлиши;

тадбиркорлик таваккалчилигини ёки ушбу фаолият билан боғлиқ фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилигини суғурта қилдирган шахс тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тугатиши.

1.4.2. Суғурта шартномаси 1.4.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Суғурталовчи суғурта мукофотининг суғурта амал қилган вақтга мутаносиб бўлган қисmini олиш ҳуқуқига эга.

1.4.3. Агар рад этиш пайтида суғурта шартномасининг 1.4.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича суғурта ҳодисасини юз бериши эҳтимоли йўқолмаган бўлса, Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) суғурта шартномасини бажаришни исталган вақтда рад этишга ҳақли. Ушбу ҳолатда (Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи шартномани муддатидан илгари рад этганида) Суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3
7-бет 14 бетдан
07.08.2024 й.

1.4.4. Эунда, агар ушбу Шартнома бўйича илгари суғурта товони тўланган ёки тўланиши лозим бўлса, у ҳолда тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

1.4.5. Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) Суғурта қилдирувчининг ташаббусига кўра Суғурталовчининг манзилига бекор қилиш ҳақидаги ёзма аризани йўллаш орқали муддатидан илгари тугатилади.

1.4.6. Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) Суғурталовчининг ташаббусига кўра фақат қонунчиликда ва суғурта шартномасида назарда тутилган ҳамда йўл қўйиладиган ҳолларда (бир томонлама тартибда) муддатидан илгари тугатилади.

СУҒУРТАЛОВЧИННИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Тўлиқ номи:

«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» акциядорлик жамияти

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 6-уй

Электрон манзил (расмий интернет ресурси / электрон почта):

www.gross.uz / info@gross.uz

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар:

Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан

2011 йилнинг 17 ноябрида 103-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Лицензия тўғрисида маълумотлар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан

2022 йилнинг 11 феврилида СФ 00028-сонли Лицензия берилган.

2. СУҒУРТА ҲИМОЯСИ

2.1. Суғурталанган ТВнинг 1.1.13 ва 1.1.14-кичик бандларига мувофиқ учинчи шахсга урилиши ёки унда бошқа транспорт воситалари иштирокида йТХ содир этилиши оқибатида Шикастланиши ёки Нобуд бўлиши (Йўқотилиши) суғурта ҳодисаси деб тан олинади ва у юз бериши билан Суғурталовчида Суғурта товони тўлаш мажбурияти юзага келади.

3. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

3.1. Ушбу Суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар оқибатида ва/ёки қуйидаги ҳолларда юз берган ҳодисалар суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

а) Суғурта қилдирувчининг/Ҳайдовчининг/Суғурта қилинган шахснинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилган ҳаракатлари, бундан улар томонидан ўз фуқаролик бурчи ёки Суғурта қилдирувчининг/Ҳайдовчининг ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, орномуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар мустасно;

б) Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи томонидан Суғурталовчига била туриб ёлғон маълумотларни хабар қилиш;

в) суғурталанган ТВни алкоголь ва/ёки токсик ва/ёки наркотик моддалар таъсирида маст ҳолатда ва/ёки бошқа турдаги мастлик ҳолатида бошқариш;

г) ТВни эксплуатация қилишни белгиловчи ҳужжат (йўриқнома, қоидалар, қўлланма, низом ва бошқалар) шартларини, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, ёнғин ва портлаш хавфли моддалар ва предметларни ташиш қоидаларини бузиш;

д) суғурталанган ТВдан Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи томонидан ҳайдашни ўргатиш мақсадида ва/ёки мусобақалар ва синовларда иштирок этиш учун фойдаланиш;

е) суғурталанган ТВни эксплуатация қилиш ёки бошқариш ишониб топширилган Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи ёки ҳар қандай шахслар томонидан қаллоблик ҳаракатлари ёки ҳар қандай



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3
8-бет 14 бетдан
07.08.2024 й.

нопоклик;

ж) суғурталанган ТВни эксплуатация қилиш, носоз ҳолда бўлган суғурталанган ТВни эксплуатация қилиш қоидаларини бузиш;

з) тезлик режимини бузиш, темир йўлни кесиб ўтадиган жойдан ўтиш, светофорнинг тақиқловчи белгисида ўтиш қоидаларини бузиш ёки белгиланган йўналишга қарши ҳаракатланиш;

и) Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи бу ҳақда билиши ёки билмаслигидан қатъи назар суғурталанган ТВнинг носозлиги ва/ёки ушбу Шартнома амал қилиши бошланиши пайтида унда мавжуд бўлган нуқсонлар;

к) суғурталанган ТВнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ транспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи ва рухсати (ҳайдовчилик гувоҳномаси, ишончнома ва бошқалар) бўлмаган шахс томонидан бошқарилиши. Мазкур банднинг қоидалари суғурталанган ТВ ўғирланган тақдирда қўлланмайди.

3.2. Суғурталовчи зиммасида Суғурта қилдирувчининг/Ҳайдовчининг суғурта ҳодисасидан келиб чиқиши мумкин бўлган билвосита ва бошқа харажатларига (жарима, ижарага олинган ТВ дан фойдаланиш, тиклашга доир таъмирлаш вақтида меҳмонхонада яшаш, хизмат сафари харажатлари, даромадни йўқотиш, бекор туриш, кафолат-муддати тугаши билан боғлиқ моддий зарарлар, маънавий зарар ва бошқалар), шунингдек ҳар қандай бевосита ва билвосита солиқларга ҳамда керагидан ортиқ амалга оширилган бошқа харажатларга нисбатан мажбурият бўлмайди.

3.3. Ушбу Шартнома суғурталанган ТВга қуйида санаб ўтилган ҳар қандай ҳодисаларнинг бири оқибатида етказилган тўлиқ ёки қисман зарарни қопламайди:

а) ҳарбий ҳужум акти, ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий ҳаракатларга ўхшаш ҳаракатлар (уруш эълон қилинганлиги ёки қилинмаганлигидан қатъи назар), фуқаролар уруши;

б) исён, фуқароларнинг оммавий ғалаёнлари, миллий тусдаги иш ташлашлар;

в) шахс ёки бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари;

г) суғурталанган ТВни амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси суд органларининг қарори бўйича амалга ошириладиган ўзганинг ихтиёрига мажбурий ўтказилиши оқибатида мулкдан доимий ёки вақтинча маҳрум бўлиш.

3.4. Қуйидагилар суғурта ҳодисалари деб тан олинмайди:

а) ТВнинг, жумладан фойдаланиш ва/ёки бекор туриш оқибатида унинг алоҳида деталлари ва узелларининг табиий эскириши; Бироқ, ТВнинг табиий эскириши оқибатида ТВнинг nobуд бўлиши ёки шикастланиши ушбу Шартнома бўйича қопланади.

б) Суғурталанган ТВнинг товар кўринишини йўқолиши ва/ёки ишлаб чиқарувчи корхонанинг браки;

в) қилдираклар ва/ёки шиналарнинг йўлнинг ҳаракатланиш қисми текис эмаслиги ёки ёмон ҳолатда эканлигидан, ўткир предметлар устидан босиб ўтишдан ва бошқалардан келиб чиққан шикастланиши, агар уларнинг шикастланиши ўзи билан суғурталанган ТВ нинг шикастланиши ёки nobуд бўлиши ини келтириб чиқармаган бўлса;

г) Суғурта қилдирувчининг/Ҳайдовчининг суғурталанган ТВни такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлари;

д) суғурталанган ТВдан фойдаланиш қоидаларини Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи томонидан бузилиши билан боғлиқ харажатлар.

3.5. Ушбу Шартнома бўйича агрегатлар, деталлар, тизимлар, узеллар, қурилмаларнинг (олиб қочишга қарши турли хил воситалар, автомагнитолалар, кучайтиргичлар, колонкалар/динамиклар спорт дисклари, турли хил антенналар ва шу кабиларнинг) шикастланиши, йўқ қилиниши, ўғирланишидан келиб чиқадиган зарар ҳам қопланмайди.



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3

9-бет 14 бетдан
07.08.2024 й.

3.6. Суғурталовчи зиммасида ушбу Офертада кўрсатилмаган ва/ёки баён қилинмаган ҳар қандай мажбуриятларга нисбатан мажбуриятлар бўлмайди.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ушбу Шартнома амал қилиши даврида:

4.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Суғурталовчи билан келишилган ҳолда Суғурта полиси шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- б) суғурта шартлари бўйича Суғурталовчининг маслаҳатларини олиш;
- в) Суғурта полисининг оригинали йўқотилган тақдирда, унинг дубликатини олиш;
- г) суғурта ҳодисаси юзга келган тақдирда, Суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммаси доирасида суғурта товони олиш.

4.2. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Суғурта полиси шартларига ўзгартишлар киритилишини сўраш ёки Суғурта полисидан воз кечиш;
- б) суғурта шартлари ва суғурта полисидан ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

4.3. Суғурта қилдирувчи / Ҳайдовчи қуйидагиларни бажариши шарт:

- а) суғурталанган ТВни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда сақлаш, назорат органлари талаблари бажарилишини таъминлаши, тегишли транспортдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиши;

б) ушбу Шартнома тузилганида хабар қилинган ҳолатларда ўзига маълум бўлган сезиларли ўзгаришлар тўғрисида, агар ушбу ўзгаришлар суғурта ҳодисаси юз бериши таваккалчилик даражасини ошишига сезиларли таъсир қилиши мумкин бўлса, Суғурталовчига дарҳол, аммо 10 (ўн) иш кунидан кечикмай хабар қилиши.

Суғурталанган ТВни субижарага бериш, уни сотиш, ҳисобдан чиқариш, ЙХХ органларида қайта рўйхатдан ўтказиш, ТВдан унинг техник мақсадларига хос бўлмаган мақсадларда фойдаланиш каби ўзгаришлар муҳим деб тан олинади;

в) ушбу Шартнома доирасида Суғурталовчига нисбатан суғурта товони тўлаш талабини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳодиса юз берган тақдирда, бу ҳақда Суғурталовчини мазкур Шартномада кўрсатилган муддатда ва усулда дарҳол хабардор қилиши;

г) ушбу Шартнома доирасида Суғурталовчига нисбатан суғурта товони тўлаш талабини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳодиса юз берган тақдирда, Суғурталовчининг розилигисиз ускуналарни демонтаж қилиш ёки ТВни таъмирлашга доир ҳеч қандай ишларни бошламаслиги;

д) ушбу Офертанинг 5-бўлимида кўрсатилган, юз берган ҳодисанинг барча ҳолатларини ўрганиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни Суғурталовчига тақдим этиши;

е) суғурталанган ТВни эксплуатация қилиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномага риоя қилиш, шунингдек ундан фақат Ариза-анкетада кўрсатилган бевосита вазифасига кўра фойдаланиши;

ж) суғурталанган ТВни бошқаришга рухсат берилган шахслар эътиборига мазкур Шартнома талабларини етказиши;

з) ушбу Шартнома доирасида бирор-бир талабни асослаш мумкин бўлган ҳодиса юз берганида ТВни назоратсиз ва кейинги зарар ёки йўқотишларни бартараф қилиш учун кўриладиган тегишли чораларсиз қолдирмаслиги, агар ТВ Суғурталовчининг розилигисиз ҳаракатга келтирилган бўлса (хавфсизлик манфаатларида ёки ҳар қандай тегишли ҳокимиятнинг буйруқларини бажариш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно), у ҳолда зарарнинг ҳар қандай



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3

10-бет 14 бетдан
07.08.2024 й.

равишда ортлиши ушбу Шартномага мувофиқ тўланадиган суғурта товони суммасидан чиқариб ташланади;

и) Суғурталовчи ёки унинг вакилларига ҳар қандай вақтда ТВ ва унинг қисмларини кўздан кечиришга тақдим этиши;

к) Суғурталовчи ҳисобига даъвони кўриб чиқиш ва регресс ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида Суғурталовчи томонидан талаб қилиниши мумкин бўлган барча далолатномалар ва тартиб-таомилларни бажаришга рози бўлиши;

л) ушбу Шартнома амал қилиши даврида Суғурталовчидан олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши, Суғурта қилдирувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлат органларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно;

м) ҳодиса ҳақида у содир бўлган жойда баённома ёки маъмурий ҳужжат албатта тузилган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига (ЙХХ, ЁХБ, ИИБ ва бошқаларга) дарҳол хабар қилиши шарт.

4.4. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини камайтиришга қаратилган олдини олувчи тадбирларни ўтказиш;

б) суғурта ҳодисаси юз бериши таваккалчилиги даражасини тавсифловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш. Ушбу Шартнома амал қилиши даврида таваккалчилик даражаси ўзгарган тақдирда, суғурта мукофотининг миқдори вазиятга боғлиқ равишда ошириш ёки камайтириш томонга қайта кўриб чиқиши мумкин;

в) Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи томонидан тақдим этилган ахборотни, шунингдек улар томонидан мазкур Шартнома шартлари бажарилишини текшириш.

4.4.1. Суғурта товони тўлашни рад этиш:

а) Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи томонидан ушбу Шартнома бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда;

б) агар Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги хабарномадан кейин суғурта ҳодисасининг мавжудлиги, характери ва сабабларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар (материаллар) ва маълумотларни 60 (олтмиш) кун ичида тақдим этмаган бўлса;

в) агар Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи зиён етказган шахсга нисбатан даъводан ёки унга қўйиладиган талабларни амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқлардан воз кечса, шунингдек регресс талабини қўйиш учун зарур бўлган ҳужжатларни Суғурталовчига беришни рад этса.

4.4.2. Суғурталовчи ушбу шартномада баён қилинган муддатда суғурта мукофоти (ёки унинг қисми) тўланмаган тақдирда, ушбу суғурта шартномасининг амал қилишини бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга ва демак тўлов муддати тугаган пайдан (навбатдаги тўлов тўланиши керак бўлган санадан) эътиборан Суғурта шартномасининг амал қилиши тугатилади ҳамда у ўз юридик кучини йўқотади (автоматик тарзда бекор қилинади) ва Суғурталовчи учун суғурта товонини тўлаш бўйича ҳеч қандай мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

4.5. Суғурталовчи қуйидагиларни бажариши шарт:

а) ушбу Шартномада белгиланган муддатларда Суғурта полисини бериши;

б) барча зарур ҳужжатлар қабул қилинганидан ва суғурта ҳодисаси юз берганлиги факти тан олинганидан кейин мазкур Шартномада баён қилинган миқдорда ва муддатларда суғурта товонини тўлаши;

в) ушбу Шартнома бўйича Суғурта қилдирувчига маслаҳатлар бериши;

г) ушбу Шартнома амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчидан/Ҳайдовчидан олинган ахборотнинг сир сақланишига риоя қилиши шарт, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлат органларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ёки



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3

11-бет 14 бетдан
07.08.2024 й.

Суғурта қилдирувчининг тегишли ёзма розилиги мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

5. ДАЪВОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

5.1. Ушбу Шартнома доирасида суғурта товони тўлаш бўйича Суғурталовчига талабни асослаб бериши мумкин бўлган ҳодиса юз берган тақдирда, Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи қуйидагиларни бажариши шарт:

5.1.1. ушбу Офертанинг 1.1.13 ва 1.1.14-кичик бандларида қайд қилинган ҳодиса юз берганида Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи ҳодиса юз берганлиги ҳақида хабар топган пайтдан эътиборан дарҳол, аммо 5 (беш) иш кунидан кечикмай, бу ҳақда Суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши;

5.1.2. ҳодиса ҳақида у содир бўлган жойда зарур ҳужжатлар (баённома ёки маъмурий ҳужжат) албатта тузилган ҳолда дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга (ЙХХ, ЁХБ, ИИБ ва бошқаларга) ариза бериши;

5.1.3. Суғурталовчига шикастланган ТВни кўздан кечириш учун тақдим этиши ва тиклаш ишлари амалга оширилишига қадар ТВнинг барча шикастланган қисмларини фотосуратга тушириши ёки видеотасвирга олиши шарт.

5.2. Суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақидаги ёзма аризага Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши керак:

5.2.1. ТВ нобуд бўлганида ёки шикастланганида:

а) Суғурта полиси;

б) юз берган ҳодисанинг ҳолатларини текширишни ўтказишга ваколати бўлган тегишли ваколатли органлардан ҳодиса сабаблари ва ҳолатлари кўрсатилган ҳолда материаллар (қарор, ҳайдовчиларни тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотнома ва бошқалар);

в) ҳайдовчининг мастлик ҳолатига текширувдан ўтказиш натижалари бўйича ваколатли шифокор ёки экспертиза томонидан берилган тиббий хулоса;

г) ҳайдовчининг паспорти ва ҳайдовчилик гувоҳномаси, ТВни рўйхатдан ўтказилганлиги гувоҳномаси (техник паспорти);

д) йўл ёарақаси, ишончнома ёки ишончнома тенглаштирилган ва ТВга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф қилиш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжат;

е) баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга баҳолаш ташкилоти томонидан тузилган барча ишлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар кўрсатилган ҳолда Моддий зарарни баҳолаш калькуляциянинг нусхаси.

5.3. Зарурат бўлганида, ҳодиса ҳолатларини аниқлаш ва/ёки зарар миқдорини белгилаш мақсадида Суғурталовчи суғурта товонини тўлаш масаласини ҳал қилиш учун мазкур Бўлимда кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.4. Мазкур ҳодисага тааллуқли барча ҳолатлар ўрганилганидан кейин Суғурталовчи томонидан юз берган ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олинмаслиги ҳақида (ёки суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳақида) қарор чиқаради. Суғурталовчи томонидан юз берган ҳодиса суғурта ҳодисаси тан олинган тақдирда, тўланиши лозим бўлган суғурта товони суммаси белгиланади ва у Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатномада кўрсатилади.

5.5. Агар ҳодиса юз берганлиги факти бўйича жиноят иши, фуқаролик иши ёки маъмурий жазо қўллаш тўғрисида иш қўзғатилган бўлса, Суғурталовчи тўланиши лозим бўлган суммани тўлаш ҳақидаги масалани ҳал қилишни ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши пайтига қадар кечиктириш ҳуқуқига эга.

5.6. Суғурта ҳодисаси юз берганлигини исботлаш ва зарар суммасини асослаш Суғурта қилдирувчи зиммасига юклатилади.

5.7. Суғурта ҳодисасининг характери ва ҳолатларига боғлиқ равишда Суғурталовчи юз



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3
12-бет 14 бетдан
07.08.2024 й.

берган ҳодисани мазкур Шартноманинг 5-бўлимида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини талаб қилмаган ҳолда суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олинмаслиги ҳақида (ёки суғурта товони тўлашни рад этиш ҳақида) қарор чиқариш ҳуқуқига эга.

6. СУҒУРТА ТОВОНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Ушбу Шартномага кўра суғурта товони қуйидаги тартибда тўланади:

6.1.1. ТВ нобуд бўлганида ёки ўғирланганида – кўрилган зарар миқдорида, аммо ушбу Шартномага 1-илованинг 3-қисмида кўрсатилган суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда, Якуний франшиза суммаси айириб ташланган ҳолда тўланади.

6.1.2. Суғурталанган ТВ шикастланганида – моддий зарарни баҳолаш бўйича наряд-бюртма/калькуляция/баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган баҳолаш ташкилоти томонидан тузилган ҳисобот суммаси миқдорида, аммо ушбу Шартномага 1-иловада кўрсатилган суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда, Якуний франшиза суммасини ҳисобга олган ҳолда тўланади.

Суғурталовчи суғурталанган ТВнинг суғурта товони ҳисобига таъмирланишини ўз ихтиёрига кўра ташкил қилиш ва унинг ҳақини тўлашга ҳақли. Бунда суғурта товонини тўлаш шаклини танлаш ҳуқуқи Суғурталовчида қолади.

1-Махсус қўшимча шарт

Ушбу билан тарафлар Суғурта қилдирувчининг/Ҳайдовчининг суғурталанган транспорт воситасини эҳтимол қилинган ўзгартириш/такмиллаштириш/янгилаш билан боғлиқ харажатлари мазкур Шартномага кўра қопланмаслигини тасдиқлайди ва бунга рози бўлади.

2-Махсус қўшимча шарт

Ушбу билан тарафлар суғурталанган ТВнинг товар кўринишини суғурта ҳодисаси ёки ҳар қандай зарар ва/ёки иқлим омилларининг таъсири оқибатида йўқотилишига доир харажатлари мазкур Шартномага кўра қопланмаслигини тасдиқлайди ва бунга рози бўлади.

6.1.3. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг суғурталанган ТВни тиклашга доир амалга оширган харажатлари асосида суғурта товонини тўлаш ҳуқуқига эга, бунда Суғурта қилдирувчи ушбу Шартнома 7.3-бандининг «г» кичик банди бажарилиши ва барча исбот қилинадиган ва зарур бўлган ҳужжатлар (шартнома, бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома, тўлов топшириғи ва шу кабилар) тақдим этилиши шарт.

Суғурталовчи шунингдек қуйидаги харажатларни қоплайди ва/ёки хизматларни ташкил этади:

а) суғурта ҳодисаси келтириб чиқарган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган, ТВни таъмирлаш жараёнида аниқланган яширин шикастланишларни бартараф қилиш билан боғлиқ харажатлар;

б) суғурта ҳодисаси юзага келиши натижасида ТВга етказилган зарарни баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга баҳолаш ташкилоти томонидан амалга оширилган баҳолаш билан боғлиқ харажатлар;

в) шикастланган ТВни Тошкент шаҳри чегарасида ва Тошкент ҳалқа йўлидан ташқарида 10 километр чегарасида (агар Тарафлар томонидан бошқа қоида алоҳида баён қилинмаган бўлса) эвакуация қилиш билан боғлиқ харажатлар.

6.1.4. Суғурталанган ТВга суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида етказилган зарарни баҳолаш ва эвакуатор хизматлари бўйича харажатлар юзага келган тақдирда, суғурта товони қилинган харажатлар миқдорида, аммо Суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммасидан ортиқ бўлмаган ҳолда, қуйидаги тартибда тўланади:

Суғурталанган ТВга Суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида етказилган зарарни баҳолаш ташкилоти томонидан ўтказилган баҳолаш билан боғлиқ бўлган, ҳужжатлар билан тасдиқланган



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3

13-бет 14 бетдан

07.08.2024 й.

харажатлар суғурта ҳодисаси юз бериши кунига белгиланган битта базавий ҳисоблаш миқдори доирасида қопланади;

Шикастланган Суғурталанган ТВни, агар у суғурта ҳодисаси натижасида юрмайдиган ҳолда бўлса, турар жойигача (гаражгача) транспортировка (эвакуация) қилишга доир ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар суғурта ҳодисаси юз бериши пайтига белгиланган иккита базавий ҳисоблаш миқдори доирасида қопланади.

6.1.5. Агар ушбу Шартномада суғурталанган ТВнинг суғурта суммаси ТВнинг суғурта қийматидан паст белгиланган бўлса, Суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганида Суғурта қилдирувчига у томонидан кўрилган зарарларни суғурта суммасини суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда қоплаб бериши шарт.

6.2. Суғурталовчи томонидан мазкур Оферта 2-бўлимида қайд қилинган суғурта ҳодисаси юз берганида зарар ўрнини қоплаш учун амалга оширилган ҳар бир тўлов, агар Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта суммасини тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаса, мажбуриятлар лимитини бундай тўлов суммасига камайтиради.

Ушбу Офертанинг 2-бўлими бўйича суғурта товонини тўлаш оқибатида Суғурталовчи мажбуриятлари лимитининг камайиши ушбу Шартнома бўйича кейинги суғурта ҳодисаларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддаси талабларини инобатга олган ҳолда суғурта товонини тўлашга асос бўлмайди.

6.3. Суғурта товони Суғурталовчи томонидан Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома имзоланган пайдан эътиборан 15 (ўн беш кун) ичида Суғурта қилдирувчининг банкдаги ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан тўланади.

6.4. Суғурталовчи томонидан Ҳайдовчининг айби билан юз берган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товони тўланганидан кейин Ҳайдовчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957 ва 1001-моддаларида назарда тутилган қайта талаб қилиш ҳуқуқлари (суброгация ва регресс) қўлланилмайди.

6.5. Суғурталовчининг суғурта товони тўлашни рад этиш ёки тўлаш ҳақидаги қарори Суғурта қилдирувчига у суғурта товони тўлаш ҳақида ёзма мурожаат қилганидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечикмай хабар қилиниши ва суғурта товонини тўлаш рад этилганида мазкур қарор рад этишнинг асосланган сабабларини ичига олиши керак.

6.6. Агар суғурта товони тўланганидан кейин ТВга зарар етказилганлиги муносабати билан Суғурта қилдирувчига ёки манфаатдор тарафга зарар ўрни айбдор ёки бошқа тараф томонидан қопланган бўлса ва/ёки қопланаётган бўлса, Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи ўзига илгари тўланган суғурта товонини ушбу сумма миқдорида Суғурталовчига қоплаши шарт.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

7.2. Суғурта қилдирувчига/Ҳайдовчига/Суғурталанган шахсларга /Учинчи шахсларга тўланиши лозим бўлган суғурта товонини тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,2 фоизи миқдорида, лекин ушбу шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Пенянинг тўланиши Суғурталовчини суғурта товони тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

7.3. Тарафлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун, агар мажбуриятларни бундай бажармаслик енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида ҳелиб чиққан бўлса, жавобгаргарликдан озод қилинади. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари



**«GROSS KASKO SILVER» ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-111/K3
14-бет 14 бетдан
07.08.2024 й.

таъсирига учраган Тараф мазкур ҳолатларнинг юзага келганлиги ва уларнинг таъсирининг давом этиши эҳтимоли ҳақида бошқа Тарафни дарҳол хабардор қилиши керак. Бунда енгиб бўлмас куч ҳолатлари юзага келган тақдирда, тўланган суғурта мукофоти тугамаган суғурта даври учун қайтарилади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу Суғурта шартномасида назарда тутилган масалалар юзасидан низолар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш чораларини кўради.

8.2. Ушбу Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган ёки у билан боғлиқ, шу жумладан унинг ижро этилиши, бузилиши, тугатилиши ёки ҳақиқий эмаслигига тааллуқли низолар ёки келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал қилиниши лозим.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

9.2. Суғурта қилдирувчининг суғурта натижасида қопланган зарарни етказилишига жавобгар бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига у томонидан тўланган сумма доирасида ўтади. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига барча ҳужжатлар ва далилларни бериши ҳамда Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини у томонидан амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларни хабар қилиши шарт.

9.3. Агар Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи томонидан қопланган зарарни етказилишига жавобгар бўлган шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечган бўлса ёки ушбу ҳуқуқни Суғурта қилдирувчининг айбига кўра амалга ошириш мумкин бўлмаса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан тўлиқ ёки тегишли қисмида озод қилинади ва ортиқча тўланган товон суммаси қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

9.4. Суғурта шартномасидан келиб чиққан барча низолар ва келишмовчиликлар тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал қилинади, музокаралар йўли билан келишувга эришилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган тартибда ҳал қилинади.

«Қабул қилиш»

«Бекор қилиш»